Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 26 июнь, чоршанба • № 50 (10.825) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШга ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ИСЛОМ КАРИМОВ ВАШИНГТОНГА КЕЛДИ

ВАШИНГТОН, 25 ИЮНЬ. (ЎзА МАХСУС МУХБИРИ АМИРҚУЛ КАРИМ ХАБАР ҚИЛАДИ). Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америкага амалий ташриф-

ВАШИНГТОН. (24 июнь. ЎзА махсус мухбири Амирқул Карим хабар қилади).



23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Вашингтонга келди.

Олий мартабали маҳмонларни кутиб олишга мўлжалланган Эндрус авиабазасида мамлакатимиз раҳбарини АҚШ давлат департаментининг МДҲ давлатларига нисбатан сиёсати бош мувофиқлаштирувчиси Жеймс Коллинз ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Бугун Ислом Каримов АҚШ расмий доиралари, хориждаги хусусий сармояларни ҳимоя қилиш бўйича корпорация (ОПИК) раҳбарияти ҳамда Америка ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашади.

ашрифнинг иккинчи кунини АҚШ хорижий сармояларни ҳимоялаш корпорациясига (ОПИК) қадам ранжида қилиш билан бошлади. Нью-Йорк Авенюдаги бу корпорация қароргоҳида ОПИК президенти Рут Харкин хоним билан мамлакатимиз раҳбари ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.

Шу ерда Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари йирик компаниялари раҳбарлари, ишбилармонлари билан учрашди. Ғоят қизи-

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ВАШИНГТОН УЧРАШУВЛАРИ

қарли ўтган бу учрашувда Ислом Каримов хорижлик, жумладан, Америкалик ишбилармонлар учун мамлакатимизда бизнесни йўлга қўйиш борасидаги афзалликлар, ҳамкорликнинг истиқболли соҳалари ҳақида сўзлаб берди.

Юртбошимиз сўнгра тадбиркорларни, бу ерда ҳозир бўлган журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

ОПИК қароргоҳида «Ўзбекнефтгаз» давлат корпорацияси билан хорижий сармояларни ҳимоялаш корпорацияси ва «Энрон» компанияси ҳамда «Ўзбекнефтгаз» билан ОПИК ва «Тексако» компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Банк оф Америка ўртасида англашмалар меморандуми имзоланди. Ўзбекистон банкирлар ассоциацияси ва Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўртасида ҳам Америка компаниялари, савдо ва тараққиёт агентлиги ўртасида протокол ва меморандумларга имзо чекилди.

Президент Ислом Каримов шу куни Марказий разведка бошқармаси директори Ж. Дойч билан учрашди. Шунингдек, АҚШ давлат департаментида Американинг МДҲ давлатларига нисбатан сиёсати бош мувофиқлаштирувчиси Строуб Телбот билан мулоқотда бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида эса «Марлот» меҳмонхонаси қароргоҳида Ислом Каримов АҚШ энергетика вазири Г. Оълири хонимни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари шу ерда АҚШ молия вазири Р. Рубин билан икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳақида ўзаро фикрлашди.

Оқшом Америка-Ўзбекистон савдо палатаси номидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шарафига қабул маросими уюштирилди.

Президентимизнинг АҚШга ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

МАШАВ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Исроил Ташқи ишлар вазирлиги хузуридаги Халқаро ҳамкорлик маркази ташаббуси билан МАШАВ дастури доирасида Тошкент шаҳрида «Чорвачилик ва сутчилик фермаларини бошқариш» мавзуида курс машғулотлари ўтказилди. Курснинг биринчи қисми Тошкент Аграр университетида ўтди,—деди Исроилнинг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот маркази ходими В. Лопатченко.— Унда қатнашган Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари чорвачилик соҳаси мутахассислари, фермерлар, сутчилик фермаларининг раҳбарлари МАШАВ дастурининг амалга оширилиши, чорвачилик соҳасидаги энг янги ютуқлар билан танишдилар. Ушбу курс машғулотлари мутахассисларга соҳани ривожлантириш имкониятларидан фойдаланиш, бозор иқтисодиёти шароитларида чорвачиликни даромадли соҳага айлантириш омилларини топиб, ишга тушириш учун изланишлар олиб боришда ёрдам беради.

Ўзбекистонда МАШАВ курслари давом этяпти.

О. ОДИЛОВ.

ЕТТИ ИҚЛИМГА МАШҲУР ЭДИ

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Юқоричирчиқ туманидаги Оқовул қишлоғида ўтказилган тадбир ана шундай номланди.

Қишлоқ клуби ва кутубхонаси жамоаси томонидан тайёрланган бу қизиқарли кечада Моваройуннаҳр тарихи, Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган турли саҳна кўринишлари йиғилганларга манзур бўлди. Шунингдек, «Амир Темур ҳаёти» деб номланган китоблар ва суратлар кўргазмаси ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.


С. СИРОЖИДДИНОВ.

Файзулла Хўжаевни хотирлаб

«МЕН ЯШАШНИ ИСТАЙМАН»

ПИСКЕНТ тумани марказий маданият уйида давлат арбоби Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб «Мен яшашни истайман» деб номланган театрлаштирилган томоша бўлди. Файзулла Хўжаев ҳаёти, ишлари, юртга муҳаббат туйғуси билан яшаганлиги ҳаяжонли саҳналар орқали томошабинга етказиб берилди. Тадбир ижодкорларидан Насибахон Нишонова, Гулзаҳро Эрматова, Муҳаррам Пўлатова, Мирҳошим Мирҳаитов, Дилшод Азимбоевлар зиддиятларга бой Бухоро тарихини аниқ маълумотларга асосланган ҳолда саҳнада гавдалантирганлар. Айниқса, дастурда мумтоз ашулаларнинг ўрин олганлиги томошага кўтаринки руҳ бағишлади.

Сирожиддин САЛОҲИДДИНОВ.



18 — 19 июнь кунлари Франкфурт шаҳрида «Германия Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари» мавзуида халқаро анжуман ўтказилди. Ўзбекистон республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «Германия — Марказий Осиё» жамияти «Дойче банк», Франкфурт шаҳар магистрати ҳамда Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчихонаси бу тадбир ташаббускори бўлдилар. Анжуман ўтган жойда Ўзбекистон ҳақида хикоя қилувчи кўргазма очилди. Шунингдек бу ерда «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китобининг тақдимоти бўлди. Ушбу сурат китоб тақдимоти пайтида олинган.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) тасвирга туширган.

ЎЗБЕКИСТОН – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: СТРАТЕГИК ИШ БИРЛИГИ САРИ

ШУ ЙИЛНИНГ 21-22 ИЮНЬ КУНЛАРИ ИТАЛИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФЛОРЕНЦИЯ ШАҲРИДАГИ «ФОРТЕЗЗА ДЕ БАССО» ҚАЛЪАСИДА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ (ЕИ)ГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УЧРАШУВИ — САММИТ БЎЛИБ ЎТДИ.

Саммит кун тартибига Ғарбий Европа Иттифоқи интеграцияси муаммоларига оид бир қанча масалалар, жумладан, Маастрихт шартномасини амалга оширишни жадаллаштириш, ишсизлик муаммоси, адлия ва ички ишлар, ягона пул бирлиги, ЕИни кенгайтириш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шулар баробарида мазкур иттифоқ билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган республика сиёсий ҳаётида тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокида имзоланган бу битим нафақат Ғарбий Европа мамлакатлари билан республикамиз ўртасидаги алоқалар равнақига муҳим ҳуқуқий асос бўлиб қолади, қолаверса Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ўзгаришларнинг тан олиниши ҳамдир ва ёш мустақил давлатимиз мустақиллигини эгаменлигининг сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланишидир. Яна бир томони ташқи сиёсатимизнинг устивор йўналиши бўлмиш дунё сиёсати ва иқтисодиётига интеграцияланиш учун муҳим пойдевор яратилаётганидан далолат беради. Битим дунё иқтисодиёти марказларидан бири бўлмиш Ғарбий Европа мамлакатлари билан Ўзбекистон ўртасида сиёсий, иқтисодий, савдо-сотиқ, илм-фан, ижтимоий молия, технологиялар каби истиқболли соҳаларда ҳамкорлик қилишни назарда тутади. Хусусан, МДҲ давлатларига техник ёрдами дастури — ТАСИС билан Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик, ЕИнинг Европа ва Марказий Осиё ўртасида илгари Буюк Ипак йўли ўтган йўллар бўйлаб транспорт коридорини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш ўзаро муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради.

Дунё иқтисодиёт марказлари ўртасида рақобат кучаяётган, янги бозорлар учун кураш кескин тус олаётган бир шароитда бундай ҳамкорликдан қайси томон кўпроқ манфаатдор эканини баҳолаш қийин. Шу маънода мазкур битимнинг айнан Марказий Осиё минтақасининг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон билан имзоланиши муҳим жуғрофий-иқтисодий аҳамиятга эга.

Бошқача айтганда, Президент Ислом Каримовнинг хорижий ишбилармонларни ҳамкорликка даъват этаётганда тез-тез такрорлайдиган бир фикрининг тасдиғидир, яъниким минтақа бозорини Ўзбекистон орқали эгаллаш мумкин.

Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан мазкур битимни Иттифоққа аъзо мамлакатлар ва давлатлар бошлиқларининг саммити чоғида имзолади. ИЕ раҳбарияти билан бир қаторда бу ҳужжатга 15 аъзо мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлари ҳам қўл қўйди.

(Давоми 2-бетда)

БИЗ УЧУН ҚУШ БАЙРАМ

Эртанги кун биз учун қуш байрам, чунки ҳамкасбларимиз билан матбуот кунини байрам қиламиз ҳамда туман газетаси «Бўстонлиқ овози» чиқа бошлаганлигининг 60 йиллигини нишонлаймиз.

Меҳнаткашлар, зиёлилар, халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилаётганлар газетани туман тарихининг кўзгуси деб биладилар. Ҳақиқатан ҳам газета таҳламларини бир-бир варақлаган киши Бўстонликнинг ўтмиши, ҳозири ва келажагини бир қадар тасаввур этгандек бўладилар. 30-йилларда ижод қилган Абдулла Шокиров, Назарали Ниёзов, кейинчалик муҳаррирлик қилган Тўлаган Баратов, Чаққон Исроиловлар ўз ижоди билан кўпчиликка танилган Ўктам Усмонов, Раҳимберди Умаров, Абдукарим Раҳимбердиевларнинг ёзган мақолалари, ҳикоялари, шеърлари ўша давр саҳифаларида муҳрланиб қолган.

«Бўстонлиқ овози» нинг бешигини тебратган, ўқувчиларнинг севимли газетасига айланишида меҳнати сингган устозлар анъаналари ҳамон давом этяпти. Бугунги кунда таҳририятимизда Иззатилла Пирматов, Обид Усмонов каби истеъдодли журналистлар, Рўзмат Исмоилов, Абдусолиҳ Қулбоев, Жақсилиқ Даулбоев сингари серғайрат ёшлар меҳнат қилишмоқда.

Ҳамидулла ХОЛМАТОВ,
«Бўстонлиқ овози» — «Бостондық даусы» газетасининг муҳаррири.

Вилоят ҳокимлигида

ДЕҲҚОН-ФЕРМЕРЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲАМ ҚОНУН УСТИВОР БЎЛСИН

22 ИЮНЬ куни вилоят бошқарув ва назорат органлари идораларо кенгашининг навбатдаги йиғилишида вилоятда деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган қонунларнинг жойларда қандай ижро этилаётганлиги масаласи муҳокама этилди.

БУ ҲАҚДА вилоят прокурори А. Маннонов маъруза қилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, туман ҳокимлари, деҳқончилик-саноат уюшмалари раҳбарлари, истиқболни белгилаш ва статистика бошқармаси, банк тизими ва шу ишга дахлдор бўлимларнинг мутахассислари иштирок этдилар.

Шуни айтиш керакки, республикамизда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, айниқса, жойларда деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Тўрт йил муқаддам қабул қилинган «Деҳқончилик хўжаликлари тўғрисида»ги Қонун бунга асос яратган бўлса, 1994 йилнинг 21 январидаги Республика Президентининг «Тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда республика ҳукумати қабул қилган «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қишлоқларда деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг янги имкониятларини очди.

Тошкент валоятида фаолият кўрсатаётган деҳқон-фермер хўжаликлари тобора кўпайиб бормоқда. 1995 йилнинг ўзидаёқ уларнинг сони 43 тага кўпайди. Бугунги кунда вилоятда 2126 деҳқон-фермер хўжаликлари ишлаб турипти. Уларнинг 1379 таси деҳқончилик йўналишида, 747 таси чорвачилик соҳасида фаолият кўрсатмоқда. Қатор деҳқон-фермерлар яратиб берилган имконятлардан фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Уларнинг тасарруфидаги чорва туёғи кўпайиб бормоқда. 1995 йилда фермер хўжаликлари томонидан 1392 тонна гўшт, 3684 тонна сут, 208 минг дона тухум ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштирилди. Уларга 29 минг 924 гектар ер ажратиб берилди.

Вилоятда деҳқон-фермер хўжаликларини кўпайтириш, уларнинг фаолиятини янада ривожлатириш мумкин эди. Афсуски, айрим туманларда, хўжаликларда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Энг ачинарлиси шундаки, амалдаги қонун, фармон ва қарорларнинг ижроси таъминланмаяпти. Оқибатда айрим туманларда деҳқон-фермер хўжаликлари кўпайиш ўрнига сабабсиз ёпилиб қолмоқда. Масалан, Оққўрғон туманида ўтган даврда 86 та, Ўртачирчиқ туманида 112 та фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатди. Шунингдек, Бўка, Бўстонлиқ, Янгийўл, Зангиота туманларида деҳқон-фермер хўжаликларига ҳуқуқий ҳужжатларни беришда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Идораларо кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни тезроқ тугатиш, қонуннинг устиворлигини таъминлаш, уларнинг бажарилишини пайсалга солаётган айрим мутасадди раҳбарларга тегишли баҳо бериш лозимлиги таъкидланди. Вилоят прокуратураси ўтказган текшириш натижалари ва кўрилган чоралар маълум қилинди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Эркин Рўзиев сўзга чиқди.

Ҳоким фермер-деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, амалдаги ҳужжатларнинг жойларда ижросини таъминлаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Ҳозир қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг тақдири қишлоқ жойларида ерни, чорвани, мулкни тезроқ ўз эгасига бериш, деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг муаммоларини тезроқ хал этишдан иборатдир. Шунинг учун бу масалалар ечимини туман ҳокимликлари, деҳқончилик-саноат уюшмалари, хўжалик раҳбарлари ўз зиммаларига олишлари керак. Айни вақтда мавжуд деҳқон-фермерларнинг ишини чуқур таҳлил этиш, қандай натижаларга эришаётганлигини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки, катта-катта майдонларни ўз тасаруфига олган айрим деҳқон-фермер хўжаликлари ердан ниҳоятда самарасиз фойдаланмоқдалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоят ҳокими 10 кун муддат ичида жойларда мазкур масалани тахлил этиш, истиқболни белгилаш ва статистика бўлимларига, савдо, банк, солиқ тизими раҳбарларига ва бошқа тегишли ташкилотларга деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш вазифаларини юклади. Биринчи навбатда уларга шарт-шароит яратиш, етиштирган махсулотини келишилган (эркин нархларда) тўхтовсиз қабул қилиб олиш чора-тадбирларини кўриш, деҳқонларни техника, ўғит ва уруғлик билан таъминлашни йўлга қўйиш, жойларда «Тошгехсервис» ишини жонлаштириш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Идораларо кенгаш мажлисида вилоят ҳокимининг биринчи муовини Т. Мирёқубов, вилоят ҳокимининг муовинлари — назорат инспекциясининг бошлиғи А. Бозоров, хотин-қизлар қўмитасининг раиси С. Хўжаева иштирок этдилар.

ГИЁҲВАНДЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

БУГУНГИ кунда гиёҳванд моддалар етиштириш ва гиёҳвандликка қарши кураш дунё миқёсида энг катта масалалардан бирига айланди. Шунинг учун ҳам 26 июнь — бутун дунёда гиёҳвандликка қарши кураш куни деб эълон қилинган.

ТОШКЕНТ вилоятида ҳам бу борада изчил ҳаракат қилинмоқда. Ҳар йили кўплаб майдонларда гиёҳванд экинлар йўқотилмоқда. Бу ишга кўл урган шахслар тегишли жазосини олмоқда.

Кўшни давлатлар билан боғланувчи йўллар ва божхона постларида зийрак туришга тўғри келмоқда. Чунки, Афғонистон ва Тожикистон худудларидан гиёҳванд моддаларни олиб ўтишга ҳаракатлар кўп учрамоқда. Ўтган даврнинг ўзида юзлаб килограмм ана шундай «оғу»лар ушлаб қолинди.

Ўтган шанба куни вилоят ҳокимлигида вилоят гиёҳвандликка қарши кураш бўйича комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда гиёҳванд моддаларни етиштиришнинг олдини олиш ва гиёҳвандликка қарши кураш юзасидан амалга оширилаётган чора — тадбирлар ва навбатдаги вазифалар мухокама қилинди.

Комиссиянинг 1996 йилнинг ўтган беш ойи иш якунлари тўғрисида вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи О. Жалилов ахборот берди. Шунингдек, гиёҳвандликка учраган беморларни даволаш ва жойларда профилактика тадбирларини ўтказиш юзасидан қилинаётган ишлар тўғрисида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи А. Содиқовнинг маълумоти тингланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими, ушбу комиссия раиси Эркин Рўзиев сўзга чиқди.

Комиссиянинг навбатдаги иш режалари тасдиқланди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи муовини Т. Мирёқубов, вилоят ҳокимининг муовинлари С. Хўжаева, А. Бозоров иштирок этдилар.

«МАВЛОНО»НИНГ ХАРИДОРЛАРИ КЎПАЙЯПТИ


Янгийўлдаги «Мавлоно» ишлаб чиқариш фирмаси йил сайин ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. Фирма ҳозирда 12 турда консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаряпти.

ЎТГАН бир йил давомида 1 миллион шартли банка маҳсулот тайёрланиб, мамлакатимиз савдо тармоқларига, қўшни давлатларга ҳам жўнатилди.

Фирманинг 44 гектарлик ўз боғи бор. Бу ерда олма, узум, беҳи, шафтоли ва бошқа мевалар етиштирилади. Хом ашё ўзларида етиштирилаётганлиги сабабли махсулот таннархи ҳам арзонга тушмоқда. Фирма ўзи тайёрлаб сотувга чиқараётган минерал сувга ҳам талаб тобора ортиб бормоқда.

Ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириб, қўшимча даромад манбаларини топаётган фирмада ишчи ўринлари ҳам ортмоқда. Даромад ҳам меҳнатга яраша бўлмоқда.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.



Моли тўқнинг кўнгли тўқ бўлибгина қолмай, қайғуси ҳам йўқ бўлади! Буни дил-дилдан ҳис этган Паркент туманидаги «Бойқозон» халқ корпорацияси механизатори Саидхўжа Аширов айни кунларда қишлов учун ем-хашак тайёрлашда фаол қатнашаётир.

Равил ШАМСУТДИНОВ олган сурат.

ҲОСИЯТЛИ ҚАДАМ

РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон — ватаним маним» мавзуида янги қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги қарори миллий санъатимиз ривожини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи муҳим тарихий қарор бўлди. Қолаверса, у халқимизнинг маънавий эҳтиёжи ҳам эди. Шу боис бўлса керак, дастлабки кунларданоқ асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимизни тиклаш, миллий мусиқа санъатимиз дурдоналарини ўрганиш, мустақил диёримизда яшовчи барча миллат вакилларини бу неъматдан баҳраманд этиш борасида амалий ишлар бошлаб юборилди. Бу эса, шак-шубҳасиз, мусиқий маданиятимизга янгича муносабатнинг шаклланишига катта ёрдам беради.

Барча жойда бўлгани каби, «Ўзбекистон — ватаним маним» кўрик-танлови бизнинг Ангрен шаҳримизда ҳам алоҳида тайёргарлик билан ўтди. Мактаб, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар, ўрта ва олий ўқув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари ўз санъатлари билан танловда фаол иштирок этдилар. Дастлабки босқич ғолиблари ва иштирокчилари шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар томонидан пул мукофотлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Энг муҳими, қисқа вақт ичида она Ватанни, шу жумладан шаҳримизни мадҳ этувчи бир қатор чиройли қўшиқлар яратилди ва улар эндиликда алоҳида меҳр билан куйланмоқда. Ҳакамлар ҳайъати ишонч билдириб, ҳудудий ва вилоят бўйича якунловчи босқичда иштирок этишга йўлланма берган бир неча қўшиқчи ижодкорларимиз ғолиблар қаторидан ўрин олиб қайтдилар.



Мен мусиқа бўйича мутахассис бўлганлигим учун шу ўринда баъзи фикрларимни ўртага ташлашни лозим топдим. Назаримда, ғоят муҳим бўлган бундай йирик тадбирларга мавсумий иш сифатида қарамаслик керак. Айрим жойларда қарорни бажариш учунгина номига тадбир ўтказилганлигини таъкидламай иложим йўқ. Бундан кимга фойда-ю, кимга зарар? Ахир фарзандларимиз, юртдошларимиз ижодкорлигига маънавий кўмак бериш, уларни қўллаб-қувватлаш жамиятнинг маънавий қиёфасини юксалтиришга, шу баробарида, миллий санъатимизга янгича руҳ олиб киришга хизмат қилмайдими?!

Биз танлов давомида санъат соҳасида йўл қўйилаётган ёҳуд кўра-била туриб, аҳамият берилмаётган хато ва нуқсонларимизни ҳам илғадик. Ҳақиқий бадиий мусиқий савод асосидаги ижрони таъминлаш, ижрочи маҳоратини шакллантириш борасида анчагина ишлар қилишимиз зарурга ўхшайди. Битта синтезаторда бутун бир мусиқа ансамблини яратишга уринаётган ижрочи ёшларимизга бунинг жудаям тўғри йўл эмаслигини яна бир карра айтиб ўтмоқчиман. Ўзимизнинг қанчадан-қанча ажойиб мусиқа созларимиз, халқ чолғу асбобларимиз бор. Ана шуларни ҳам ўрганиш ва фойдаланиш фақат муваффақият келтиради.

Очиғи, мен кўрик-танлов давомида мутахассис сифатида иштиёқ билан ишлаган бўлсам, мухлис сифатида уни жон-дилим билан кузатдим. Етти ёшмас, уч-тўрт ёшдан етмиш-саксон ёшгача бўлган санъатсевар кишиларимиз янги-янги қўшиқлари билан иштирок этдилар бу танловда. Буни кўриб ҳар қандай одам ҳам завқланади ва қўшиқчилигимизнинг эртанги кунига катта умид билан қарайди. Демак, бундай кўрик-танловлар келгусида халқимизнинг севимли анъанасига айланиб қолади. Санъатдаги бу ривожланиш мустақил юртимизнинг ривожида муҳим ўрин тутиши табиий. Зеро, қирғиз адиби Чингиз Айтматов таъкидлаганидек, мусиқий маданият орқалигина жамият энг олий ҳурликка эришади!

К.ИБРОҲИМОВ,
Ангрендаги вилоят педагогика олийгоҳининг мусиқа кафедраси мудири.

Ўзбекистон – Европа Иттифоқи: стратегик иш бирлиги сари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ислом Каримов эришилган битимни Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги муносабатларда янги бурилиш нуқтаси, деб баҳолади. Ҳужжат томонлар ўртасида стратегик алоқаларга йўл очиб берди.

Ислом Каримов зикр этилган тадбир доирасида ЕИга ярим йиллик раислик муддати тугаётган мезбон мамлакат — Италия Республикаси Президенти Л. Скалфаро, бош вазир, Европа Кенгаши раиси Р. Проди, Ташқи ишлар вазири, Европа Иттифоқи Кенгаши раиси Л. Дини, Европа ҳамжамияти комиссияси раиси Ж. Сантер ва комиссари Х. ван Ден Брук, Европарламент раиси К. Ханш билан учрашувлар ўтказди.

Европа Иттифоқи раҳбарияти билан учрашувлар эришилган битимни амалга ошириш масалаларига қаратилган бўлса, Италия раҳбарияти билан суҳбатлар чоғида ўзбек-итальян муносабатларига ҳуқуқий асос яратиш масаласи бош мавзу бўлди. Йўлга қўйилаётган алоқалар нормал ривожланиши учун савдо-сотиқ, иқтисодиёт, сармоя ётқизиш ва икки томонлама солиқ солмаслик борасида ҳукуматлараро битимлар имзолаш зарур.

Ислом Каримов Флоренция шаҳридаги «Басточи» саройида Тоскана вилояти раиси Виннини Кити ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари билан ўтказган учрашуви чоғида икки томонлама муносабатларни **«Сизнинг салоҳиятингиз, бизнинг имкониятимиз»** принципи асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.

Тоскана — Италиянинг тараққий этган муҳим иқтисодий ва саноат марказларидан бири. У ерда мамлакат саноатининг 13,9 фоизи жойлашган. Ялпи миллий маҳсулотнинг 6,6 фоизи мазкур вилоят ҳиссасига тўғри келади. Вилоятда Флоренция, Пиза каби тарихий шаҳарлар бўлиб, инсониятга Данте, Микеланжело, Макиавелли, Галилей каби Уйғониш даври даҳоларини етказиб берган. Ҳам теран тарихий илдизлар, ҳам бақувват иқтисодиётга эга бўлган вилоят билан республикамиз вилоятлари, иқтисодиёт тармоқлари ўртасида алоқалар ўрнатиш бугунги иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш имконини беради.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мавжуд имкониятларини ишга солишгагина боғлиқ эмас. Бунинг учун иқтисодиётнинг истиқболли ва устувор соҳаларига чет эл сармояларини ва технологиясини жалб этиш, Президент айтмоқчи, уларни муайян лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириш алоҳида аҳамиятга эга. Шундагина қисқа муддат ичида ислоҳотлар аниқ натижалар бериши мумкин.

Ўзбекистон Президенти Флоренцияга ЕИ билан номи зикр этилган битимни имзолашга келган бўлса-да, кўпгина италиялик бизнесменлар билан ҳам учрашди, уларни ўзаро ҳамкорликка даъват этди, Италиянинг машҳур ЭНИ нефть ва газ агентлиги президенти Г. Мускато, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «ФАТА груп» компанияси президенти жаноб Ди Роза билан ўтказган музокаралари чоғида италиялик ишбилармонлар Ўзбекистон бозорини эгаллашга бирмунча кеч қолаётганини қайд этди. Бугунги кунда республикамизда 29 та ўзбек-итальян қўшма корхонаси бўлиб, улардан 2 таси 100% Италия сармояси билан фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳукуматлараро битимларга эришилмаган бир пайтда бозоримизга кириб келаётгани юртимизда чет эл бизнеси ва сармояси учун ўта қулай шарт-шароитлар яратилганидан, бугун фаолият бошлаётган компания ёки ишбилармоннинг эртага куйиб ёки синиб қолмаслигига ишончи комиллигидандир.

Мамлакатимизнинг бой табиий ресурсларини ўзлаштиришда, ёнилғи ва энергетика мустақиллигига эришишда ЭНИ, 40% нобуд бўлиб кетаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда «ФАТА груп» каби компаниялар билан алоқа ўрнатиш зарур.

Бугун биз билан ҳамкорлик қилишни истаётган чет эл компаниялари олдига қўйилаётган талаб ҳам кечагидан фарқ қилади. Амалга ошириш учун таклиф этилаётган ҳар бир лойиҳа пухта ҳисоб-китоб, иқтисодий ва техник асосга эга бўлиши керак. Зеро, бунинг учун барча шароитлар, жумладан, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, бой табиий ресурслар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий асос, тўловга қобиллик каби омиллар мавжуд. Молиявий аҳвол ҳам барқарорлашиб, миллий пул бирлигининг эркин муомаладаги валютага бемалол алмаштириш имконини туғилмоқда.

Ўзбек-итальян ҳамкорлиги майдони кенг. У тўқимачилик саноати, фармацевтика, енгил саноат, электроника ва юксак технологиялар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш бугунги бозор талаблари даражасига кўтаришни қамраб олади.

Ислом Каримовнинг Италия сиёсий ва иқтисодий доиралари вакиллари билан учрашувлари чоғида ўзаро алоқаларга ҳуқуқий замин ҳозирлаш зарурати эътироф этилди. Бу эътироф яқин келгусида амалий ишга ўтиш умид туғдиради.

Азал-азалдан тарихга мулоқот ва тинчлик шаҳри сифатида кирган Флоренция Ўзбекистон ҳаётига ҳам уни Европа билан боғловчи макон бўлиб кирди.

Ислом Каримовнинг Флоренцияга сафари нихоясига етди. Итальян тилида «Фирензе» — «гуллаб-яшнаш» маъносини англатади. Гарчи ўзбек-итальян муносабатлари борасида бирор ҳужжатга қўл қўйилмаган бўлса-да, дастлабки қадам қўйилди, деб бемалол айтиш мумкин. Ҳар бир катта иш илк қадамдан бошланади.


Қадимдан барча йўллар Римга элтади, деган гап бор. Флоренция саммитидан келиб чиқиб, уни бошқача йўсинда, барча йўллар глобал ҳамкорликка элтади, дейиш мумкин. Бу борада Европа мамлакатлари тажрибаси бутун дунё учун намуна бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Албатта, Ғарбий Европа интеграциясининг ўзига яраша муаммолари ҳам бор. Чунки ҳар бир давлат Иттифоққа ўз манфаатларини кўзлаб киради. Ўзаро мурося йўлидан борилмаса. Ш. де Голл қўллашни хуш кўрган «бўш курси» ёки Британиядан Иттифоққа аъзо мамлакатларга мол гўштини экспорт қилишни таъқиқлашга қарши «ҳамкорлик қилмаслик» усули йўлга тўғаноқ бўлиши ҳеч ғап эмас.

Глобал интеграция йўлида Флоренциянинг Черков майдонида Маастрихт шартномаларига, Флоренция саммитига, бир сўз билан айтганда, Италиянинг Европага қўшилишига қарши алвон байроқлар — улар орасида собиқ СССРнинг ўроқ-болғали байроғи ҳам борлиги ажабланарли — кўтариб норозилик намойишига чиққан коммунистлар ҳам ғов бўла олмайди.

Фахриддин НИЗОМ,
22 июнь, Флоренция.

АЁЛ МЕҲР БЕРСА АГАР ШУ ЮРТГА...

Халқаро «Олтин олма» мукофотининг совриндори, вилоят «Тадбиркор аёллар» уюшмасининг раиси Лазиза Акбарова билан суҳбат



— Лазиза Асқаровна, биз сизни «Вилоят ишлаб чиқариш саноат-савдо» концернининг раҳбари сифатида бир қатор ибратли ишларни амалга ошираётганингиздан хабардормиз. Бироқ, бугунги суҳбатимизни бевосита касб фаолиятингиз ҳақида эмас, балки сизнинг яқинда Италияга қилган сафарингиз ва у ердан олган таассуротларингиз ҳақидаги ҳикоянгиздан бошласак. Чунки, мазкур сафар ўз мазмун-моҳияти билан вилоятимиз хотин-қизларининг ривожланган мамлакатлар билан алоқасини йўлга қўйишда яна бир муҳим қадам бўлди...

— Раҳмат. Биласизми, мен бир неча йилдан бери республика тадбиркор аёллар уюшмасининг аъзоси сифатида бозор иқтисодиёти илмини ўрганиш ва уни вилоятимиз шароитига мослаган ҳолда тадбиқ этиш борасида иқтидорим етганча изланишлар олиб бораяпман. Худди шу мақсадда Тошкентда очилган Европа Ҳамжамиятининг «Таъсис» дастури асосидаги «Бозор кўникмаларини ривожлантириш» республика марказининг ўн кунлик махсус ўқув курсида ўқидим. Бу курсга деярли барча вилоятлардан тадбиркор аёллар вакиллари жалб этилган эдилар.

Буни қарангки, марказ мутасаддиларининг ташаббуси билан машғулотларда яхши қатнашган, ўз фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва унга янги йўналиш киритиш иштиёқида бўлган бир гуруҳ тадбиркорлар малака ошириш учун Италияга борадиган бўлишди. Сафарга йўлланма олган 9 кишининг орасида мен ҳам бор эдим.

Италияда кечган 21 кунлик ўқув давомидаги таассуротларимни айтиб тугатолмайман, десам муболаға қилаяпти, деманг. Чиндан ҳам Италия ҳаёти, у ердаги хотин-қизларнинг ишбилармонлиги, аёлларнинг жамиятдаги ўрни биз учун янгилик эди. Мана қаранг, 63 миллиондан зиёдроқ аҳоли яшайдиган бу мамлакатда биздаги сингари ер қазилма бойликлари йўқ ҳисоби. Металл, пахта ва бошқа бир қанча саноат хом ашёлари четдан олиб келиниб, қайта ишланади. Ҳатто, бутун дунёда ўзининг чиройли ва бежирим пойафзаллари билан машҳур бўлган Италия тери хом ашёсини ҳам фақат четдан олар экан. Хўш, унда мамлакатдаги ривожланиш ниманинг ҳисобига бўляпти? Айтиш мумкин-ки, ўрта ва кичик корхоналар ҳисобига! Мамлакат миллий даромадининг салкам 90 фоизи айнан мана шу ишлаб чиқариш корхоналари орқали олинаётганлиги эътиборга лойиқ.

Биз машғулотлар давомида Италиянинг ўн бешдан ортиқ тикув-тўқув саноатига асосланган ўрта ва кичик корхоналарини бориб кўрдик. Уларнинг деярли ҳаммаси хусусий. Нари борса 30-50 чоғли киши ишларкан. Шунча одам билан ниҳоятда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Буни биз ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳ бўлдик.

— Кечирасиз, Италия-Европа давлатлари ўртасида кийим моделларини яратиш ва ишлаб чиқариш, уни дунё бозорида сотиш бўйича юқори ўринларда туради. Сизлар шу мамлакатнинг енгил саноати ва ишлаб чиқарувчилари фаолияти билан яқиндан танишдиларингиз. Тадбиркор сифатида сизга энг ёққан ва уни ўзимизда қўлласа бўладиган қайси жиҳатларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

— Менга ҳаммасидан ҳам ишлаб чиқариш жараёнининг замонавий техникалар асосида йўлга қўйилганлиги ёқди.

«Ватанни севмоқ — иймондандир» танловига

У ерда моделларни яратишдан тортиб матони ишлаб чиқаришгача бўлган барча жараённи компьютерлар бажаради. Одамлар ниҳоятда вақтни қадрлашади. Биз бўлган пайтда 1996 йил учун мўлжалланган енгил саноат маҳсулотлари тайёрлаш тугалланиб, бу маҳсулотлар, ҳатто, сотиб ҳам бўлинган экан. Аммо, қараб турсак, иш бирор дақиқага бўлсин, секинлашмаган. Аксинча, ҳамма келгуси йил учун қилинган шартномани бажариш учун елиб-югуриб ишлаяпти.

Бундоқ ўйлаб қаралса, Италиянинг бу қадар ривожланиш йўлига ўтганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Тарихдан биламиз, қирқинчи-эллигинчи йилларда бу давлат худди биз каби иқтисодий жараённи бошидан кечирган ўртаҳол бир давлат эди. Ўша даврларда ишлаб чиқаришда асосан кичик корхоналар фаолиятига таянилгани, уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилгани мамлакат иқтисодиётини тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бизга ҳикоя қилиб беришларича, Мария Зобелизарио деган аёл италиялик биринчи тадбиркорлардан бири бўлган экан. У ишламай уйда ўтирган бир неча аёлни бирлаштириб, чеварлик билан шуғулланган. Бу чеварларнинг фаолияти жуда қисқа муддатда муваффақият қозониб, даромад ўз-ўзидан орта бошлайди. Секин-аста бу ишга бошқалар ҳам қизиқиб қоладилар. Уюшган ҳолда ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган гуруҳлар пайдо бўлади ва бу нарса бора-бора бутун Италияга тарқалади. Мария Зобелизарио ниҳоятда инсонпарвар аёл бўлиб, ўз кичик корхонаси даромади ҳисобига бева-бечораларга, болаларга мунтазам хайрия ёрдами кўрсатган. Ишсиз аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини тиклаш ташвиши билан яшаган. Марияннинг ўлимидан сўнг Италияда унинг номида фонд ташкил қилинади. Бу фоннинг тимсоли — «Олтин олма». Кейинчалик «Олтин олма» миллатлараро совриндан сифатида энг фаол, эл-юрт учун фидойилик кўрсатган аёлларга бериладиган бўлди.

— Лазиза опа, сиз ҳам яқинда ана шу юксак мукофот билан тақдирландингиз. Эшитишимизча, сиз билан бирга собиқ Франция президенти марҳум Миттераннинг рафиқаси Миттеран хонимнинг ҳам номзоди бўлган экан. Аммо омад унга эмас, сизга кулиб боқди. Лекин айтинг-чи, камдан-кам одамга насиб этадиган бу халқаро мукофот сизнинг айнан қайси хизматларингиз учун муносиб кўрилди?

— Мукофотни тайинлаш комиссиясига 1995 йилда 21 та кичик корхона очиб, икки мингга яқин аёлни иш билан таъминлаганимиз, хайрия ишларида фаол қатнашганимиз ва шунга ўхшаш ишларимиз маъқул бўлди. Ўзим ҳам кутмагандим буни. Италияга малака ошириш курсига жўнаш учун тайёргарлик кўраётганимизда у ердан мукофотни топшириш маросимига чақирув қоғози келди. Икки карра бахт — ҳам ўқидим, ҳам совринли бўлиб қайтдим...

— Италия аёллари ҳақида нима дея оласиз? Уларнинг қайси фазилатлари сизда таассурот қолдирди?

— Ўзи умуман дунёдаги барча аёлларнинг ўй-фикри, мақсади бир хил бўлади, шекилли. Итальян аёллари оилага садоқатни биринчи ўринга қўйишар экан. Уларнинг, айниқса, умр йўлдошларига чуқур ҳурматини ҳис қилдим. Ишда камҳафсала эмас. Яна менга энг маъқул келган фазилат — бу аёллардаги миллий ғурурнинг кучлилиги. Улар имкони борича илм ўрганадилар, мутахассисликлари бўйича фаол ҳаракат қиладилар, ҳатто, бизнесни ривожлантиришни ҳам яхши билишади.

Италия аёллари Ўзбекистон ҳақида кам билишар экан. Суҳбатларимизда мустақил давлатимизда олиб борилаётган ишлар, ўзгаришлар ҳақида қизиқиб сўрашди. Ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур туғилган юрт ўзбек замини эканлигини тушунтирганимизда ҳайратга тушишди. Уларга шунингдек, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳақида ҳам гапириб бердик. Шуниси яхши бўлдики, ўзбек тадбиркор аёллари фаолиятига қизиқиб қолган «Эй-ку-эм» фирмаси бизнинг вилоятимиз билан шартнома тузишга рози бўлди. Узоқ келишувга кўра шу яқин кунларда фирма делегацияси вилоятимизга келади. Ҳали кўрасиз, ўзаро ҳамкорлик асосида бизда ҳам кучли, рақобатбардош кичик ва ўрта корхоналар вужудга келади...

— Демак, Италиядан қайтгандан бери хаёлингизда нималарнидир пишитиб юрибсиз. Режаларингиздан бизни ҳам хабардор қилсангиз, агар сир бўлмаса...

— Мен бошқа мамлакатларни бориб кўрдим. Лекин, биздагидек табиий иқлим, қазилма бойликлар, саноат учун зарур бўлган хом ашёларни бошқа жойда бунчалик кўп учратмадим. Оллоҳ бизнинг ҳар қарич тупроғимизни олтиндан яратганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Агар биз танлаган йўлимиздан қатъий бориб, тадбиркорликни чинакамига ривожлантирсак, бозор иқтисодиёти илмини эринмай ўргансак, ривожланган мамлакатлар мавқеини қисқа фурсатда албатта эгаллаймиз.

Баъзи аёлларимиз тадбиркорлик деганда бозордан бирор нарсани сотиб олиб, уни иккинчи жойда сотишни ва шу билан бир сўмни икки сўмга айлантиришни тушунишади. Йўқ, бу тадбиркорлик эмас. Бунақа «ишбилармонлик»нинг умри қисқа. Биз аёлларга ҳақиқий тадбиркорликни ўргатишимиз керак, уларга билим ва малака беришимиз зарур. Яқинда Оҳангаронда ташкил этилган ҳудудий тадбиркор аёллар ўқув курси ҳам шу мақсадда юзага келди. Натижаси ёмон бўлгани йўқ. Энди уни бутун вилоят бўйича давом эттирамиз. Амалда давлатга ҳам, тадбиркорга ҳам фойда келтирадиган замонавий, халқ учун зарур бўлган кичик ва ўрта корхоналар очамиз. Дастлабки корхоналаримиз аллақачон амалий фаолиятга киришганини кўпчилик билади...

— Мустақил юртимизнинг эртанги кунини қандай тасаввур қиласиз?

— Хаёлпараст эмасман, лекин, эртанги кунимиз бугунгидан яхшироқ бўлишига, халқимизнинг барча орзу-умидлари ушалишига ишонаман.

Юқорида айтганимдай, Италиядаги ривожланиш босқичини ўрганиб, унинг бугунги куни билан танишиб, Президентимизнинг нима учун ислоҳотларни амалга оширишга лаёқатли эканликларини эътироф эта оламан. Шу юрт учун, фарзандларимиз бахти-камоли учун биз оналар қўлимиздан нимаики келса, шуни қилишга тайёрмиз. Чунки шу Ватан ўзимизники, демак, унинг гуллаб-яшнаши ҳам, заволи ҳам фақат ўзимизнинг қўлимизда.

— Суҳбатингиз учун ташаккур. Бундан кейинги фаолиятингизга ҳам омад ва муваффақият тилаймиз.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

ҲИССАСИ КЕЧКИСИДАН ЧИҚАДИ

Рўзғоримизни картошкасиз тасаввур қилиш қийин. Уни иккинчи нонимиз деб бежиз айтмаймиз. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш, ерни, мулкни ўз эгалари қўлига топшириш — ижарачилар, пудратчиларни рағбатлантириш туфайли бу маҳсулот етиштириш йилдан-йилга кўпаймоқда. Яқиндагина деҳқон бозорига тушганимизда «картошка қимматку», деб юрган эдик. Ҳозир эса арзонлашиб қолди.

Ҳар бир туман деҳқонлари бунга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Зангиотада ҳам бу соҳада яхши ишлар амалга оширилган. Эртаги, ўртаги, кечкиси бўлиб бу туманда мазкур йилда 400 гектар майдонда картошка етиштирилади. Ҳозирги кунда кечки картошка экиш жадал боряпти. Тумандаги «Бўзсув» ва «Туркистон» жамоа хўжаликларида бу соҳада қилинаётган ишлар, айниқса, ибратлидир. Ҳар икки хўжаликда ҳам Голландия модели асосида картошка етиштиришга киришилди. Улар бу соҳада эга бўлган тажрибаларини яна ҳам бойитишга ҳаракат қилмоқдалар.

Умуман, бу йил туманда 5 минг тонна картошка етиштирилади. Аҳолига сифатли маҳсулот етказиб бериш учун бошқа хўжаликларда ҳам ҳозирдан бошлаб зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

Носир ИСАЕВ.

«Ҳосил—96» Ғалла мустақиллиги учун! «Ҳосил—96»

ДАШТДАГИ ҚИЗҒИН КУНЛАР

БОЛҒАЛИ даштларининг аксарият қисми Алишер Навоий номли ширкат жамоасига қарашли. Аммо бу ерлар кўп вақтлардан бери эҳтиёт ёттарди. Ўтган йилнинг кузида ғаллачиликда кўзи пишган, тажрибали бригада бошлиғи Аҳмаджон Ғофуров бошқарув раисидан мана шу даштдаги ерларни ўзига беришни сўраб, бу ерга ғалла экмоқчи эканлигини айтди.

— Даштнинг кўп жойи чиқит ер, ғалла битармикан? — деди раис. — Бундан ташқари қишлоқдан анча узоқ, қийналиб қолмасмикинсизлар?

— Ҳаракат қилиб кўрайчи? — деди бригада бошлиғи дадил.

Хўжалик мутахассислари ҳисоб-китоб қилиб чиққач ерни беришди. Бошқарув бригадага барча зарур ёрдамни кўрсатадиган бўлди. Дастлабки олтита трактор Болғали даштларига йўл олди. Орадан кўп ўтмай бу ердан уч юз гектар янги ер очилди, молаланиб ҳар гектар ерга 170 килограммдан уруғ сепилди. Орадан кўп ўтмай кўм-кўк майсалар униб чиқди. Аҳмаджоннинг қувончи ичига сиғмас эди. Янги чиққан майсалар дориланди. Кеч кузда ги ёмғирлар экинни янада бўй чўздирди. Баҳор келиб, кунлар илигач у янада гуркираб ўсиб кетди. Бўйи белга урадиган қалин буғдойзорга айланди.

Аҳмаджон Ғофуровнинг шу ерда учратдик. У ўғиллари Бахтиёр ва Ботиржон билан бирга ўрим пайтида асқотиши мумкин бўлган шийпон қураётган эди. Бир дона бошоқни санаб кўрдик: 42 дона дон бор. Бригадир ҳам бир бошоқни олиб санади, ундан эллик битта, мағзи тўқ оппоқ буғдой чиқди.

— Бошоқларнинг кўпчилиги шунақа, — деди Аҳмаджон Ғофуров. — Бу ердан бемалол 15-20 центнердан дон олиш мумкин. Кеча раис билан маслаҳатлашиб, бир фикрга келдик. Участкамизга иккита комбайн ажратиб берадиган бўлди. Улар эртага етиб келади. Шу куниёқ ўроққа тушаверамиз.

Алишер Навоий номли ширкат жамоасининг бўз ерларидаги ғаллазорида ҳақиқатан ҳам мўл ҳосил етиштирилган. Яқинда мутахассислар ҳосилни чамалаб, 300 гектарлик майдондан бемалол 420-430 тонна хирмон кўтариш мумкин, деган хулосага келишди. Бу ҳосил эса сарфланган ҳаражатларни қоплабгина қолмай, яна икки баробар кўп даромад беради.

Аҳмаджон Ғофуров икки йилдан бери ғаллачилик билан шуғулланиб келади. Лекин лалми ерларда бунчалик яхши ҳосил бўлганини ҳали у ҳам кўрмаган. Бу ҳам бўлса элнинг ризқ-рўзи-да. Ахир тўрт кишининг уч юз гектар ерда шунча ҳосил етиштириши осонмас. Аҳмаджон ака ўғиллари Бахтиёр, Ботир ва Абдумалик билан бирга астойдил ишлашди.

Маълум бўлишича бригада аъзоларининг даромадлари ҳам кўпайиб боряпти. Негаки, ғалланинг нархи ошди. Режадан ошириб сотилган ҳосил учун устама нархлар ҳам бор. Шуларни ҳисобга олиб йигитларнинг ҳар бири йил охирида 20-22 минг сўмдан соф даромад олишни мўлжаллаб туришибди...

Болғали даштларида ғалла экан Аҳад Тошматов, Рисбой Умрзоков ва бошқалар ҳам бўз ерларда мўл ҳосил етиштиришди. Лекин уларни бошқа нарса ташвишга солиб турибди. Чунки йўл узоқ, бунинг устига транспорт учун анча ноқулай. Бу эса айни ғалла ташиш пайтида доннинг нес-нобуд бўлишига, вақтида транспорт етиб келмай янчилган ҳосил бункерларда қолиб, комбайнлар тўхтаб қолишига сабаб бўлмасмикан? Деҳқонлар мана шундай ўй-хаёллар билан хўжалик бошқаруви раиси Неъматилла Матибироҳимовга маслаҳат солишди. Биргалашиб фикрлашиб ҳам олишди. Хўжаликдан мавжуд ўндан ортиқ автомашиналар, ўн иккита тиркама трактор ва бошқа транспорт воситалари ғалла ташишга мослаштирилди. Автомашиналар учун баллонлар, бошқа эҳтиёт қисмлар тайёрлаб қўйилди, мавсум охиригача бемалол етадиган миқдорда ёнилғи ҳозирланди.



— Хўжалигимиз оталиқдаги ташкилотлар билан ғални бир ерга қўйиб, улардан ҳам ўндан ортиқ юк ташийдиган транспорт, ёрдамчи ишчи кучлари, тракторлар оладиган бўлди. Биноборин ғалласи ўриб олинган ерлардан сомонни пешма-пеш ташиб, далаларни бир йўла шудгорлаб ҳам бораверишади. Узоғи билан йигирма беш-ўттиз куннинг ичида ғаллани саранжомлаб оламиз, — дейди раис.

Мўмин ҚАЮМОВ.

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Кеча газета саҳифаланаётганда Алишер Навоий номли хўжаликдан хушхабар келди. Хўжалик ғаллакорлари ўрим-йиғимни бошлаб юборишибди. Дастлабки куни 6 та комбайн ишлади, кечгача 30 гектар майдондаги ғалла ўриб-янчиб олинди. Ғаллакорлар мавсум охиригача 3,5 минг тонна дон хирмони кўтариш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар.*

КЕЙС»ЛАР ИШГА ТУШДИ:

Унумдорлик қандай?

Ҳар бир ғалла мавсумининг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Бу йилги мавсумни ажратиб турадиган асосий белги-ғалла майдонларининг кўплиги, хосилнинг мўллиги бўлса, яна бири вилоят далаларида АҚШдан келтирилган 30 дона «Кейс» комбайнларининг ишлай бошлагани бўлди. Ана шундай комбайнлардан 13 таси Бекобод далаларида ғалла ўряпти. Туман деҳқончилик-саноати уюшмаси раиси Х.Пирнафасов билан суҳбатимиз янги комбайнлар ҳақида борди.

— Туманимизда бу йил 14320 гектар майдонда ғалла етиштирилди. — дейди Х. Пирнафасов. — Ҳосил мўл. Айни кунларда А. Мавлонов номли, А. Навоий номли, Ойбек номли, «Деҳқонобод», «Бекобод» ва бошқа жамоа хўжаликларида ўрим-йиғим тобора авж оляпти. Мавжуд 74 та комбайнларнинг деярли барчаси ишга тушиб кетди. Уларнинг ҳар бири билан кунига 6,2 гектардан ғалла ўриляпти. Булардан ташқари АҚШдан вилоятимизга келтирилган «Кейс-2166» маркали комбайннинг 13 таси туманимиз хўжаликлари ғалласорларида.

— «Кейс»ларнинг қандай афзаллик жиҳатлари бор?

—Бу агрегатларнинг афзаллик жиҳатлари кўп. У ғоят серунум. Бизнинг шароитимизда бир кунда 25-30 гектардаги донни ўриб-янчиб бера олади. Амалда ҳам шундай бўляпти. Комбайн тўлиқ компьютерлаштирилган. Қанча ғаллани янчиб берди, бункерда қанча дон йиғилди, қанча ёнилғи сарфланди, қўйингчи, комбайнннинг ҳар бир ишчи қисми қандай ҳолатда эканлигининг, ҳатто механизатор ўтирадиган хона ҳавосининг мўътадиллигини ҳам назорат қилиб боради. Ёнилғи сарфидан «кўз-қулоқ» бўлиб туради, доннинг ерга тўкилишига йўл қўймайди.

Ғоят серунум ўрим комбайнлари вилоятимизга келтирилганлиги республикамизнинг узил-кесил жаҳон бозорига чиққанлиги ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги натижасидир. Бундай алоқаларнинг кенгайиб, ривожланиб бораётганлиги мамлакатимизга катта манфаатлар келтирмоқда. Аминмизки, Президентимиз И. Каримовнинг АҚШга навбатдаги сафари ҳам ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

27 июнь—Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

СЎЗИМИЗНИНГ САЛМОҒИ

МУСТАҚИЛ Ўзбекистонимизда қонун йўли билан умумхалқ байрамлари, касб кунлари белгиланган. Ана шундай шарафли кунлардан бири Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунидир. Эртага бу байрам тўртинчи марта нишонланади. Бу шодиёна мамлакатимиз ижодий кучларининг ўзига хос кўригидир.

Босиб ўтилган йўлга назар ташласак истиқлолимиздан кейинги йиллар мобайнида Ўзбекистон журналистлари, телевидение ва радио, нашриёт ходимлари, матбаа корхоналарининг меҳнат жамоалари ҳаётида ажойиб саҳифалар битилганлигини кўрамиз. Истиқлол бизга маданиятимизни қадрлаш, уни бойитиш ҳамда қадриятларимизни авайлаб-асраш, келгуси авлодларга етказишдек улуғ неъматни насиб этди. Ўзбекистон Конституцияси ва мамлакатимизнинг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун»и журналистларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берган меёрий ҳужжатлардир. Ана шу ҳужжатларга кўра оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаси мустақил Ўзбекистонимиз ҳақидаги ҳақиқатни оммага етказиш, юртимизда бўлаётган кундалик воқеалар, ўзгаришлар, янгиликлар билан республикамиз фуқароларини ва хорижликларни мунтазам, тезкорлик билан, холисона таништириб боришдан иборат. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун» шу билан бирга журналистлар зиммасига фақат тўғри ахборот тарқатиш, сўз эркинлигини суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик масъулиятини юклайди. Нотўғри ахборот берганлик ва кишилар шаънини таҳқирлаганлик учун эса жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Ҳокимликлар, вазирликлар, халқ депутатлари Кенгашлари ва бошқа давлат идоралари, рўйхатга олинган сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, оммавий ҳаракатлар, ижодий уюшмалар, фуқароларнинг қонунга мувофиқ тузилган кооператив, диний, ўзга бирлашмалари, меҳнат жамоалари оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига эга эканлиги юқоридаги қонунда кўрсатиб ўтилган. Шу туфайли кейинги пайтда кўплаб янги нашрлар, даврий матбуот намуналари чоп этила бошланди. Улар юртимиз иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида кечаётган туб ислоҳотлар жараёнини кўрсатиб таҳлил қилиш, ишдаги тўсиқ ва ғовларни, хато ва нуқсонларни кўрсатиб бериш, уларни бартараф этишга кўмаклашишни ўзларининг биринчи галдаги вазифалари деб билмоқдалар.

•Ҳозир Ўзбекистонда 416 номда газета, 77 номда журнал чоп этилмоқда.

• Муштарийлар қўлига 65 номда республика, 99 номда вилоят, 37 номда шаҳар, 168 номда туман, 47 номда кўп нусхали газеталар етиб бораётир.

• Ўзбекистон телевидениеси ўз кўрсатувларини ўзбек, рус, инглиз ва бошқа тилларда олиб бормоқда, радио эса ўндан кўпроқ хорижий тилларда эшиттиришлар бермоқда. Пойтахт шаҳри ва вилояти учун эшиттиришлар дастури бир кеча-кундузда 4 соатни ташкил этади.

Ўзбекистон раҳбарияти, шахсан Президент Ислом Каримов матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари фаолиятини яхшилаш, ижодий зиёлиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш юзасидан катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Юртбошимизнинг Олий Мажлис сессиялари, Вазирлар Маҳкамасининг кенгашлари, халқ депутатлари Қашқадарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятларининг кенгашларида сўзлаган нутқларида қаламкашларнинг камтарона меҳнатига юксак баҳо берилган ҳолда фаолиятимиздаги камчиликлар рўй-рост кўрсатиб ўтилди. Матбуот ходимлари халқимиз севиб ўқийдиган газета-журналлар, китобларни чоп этиш, тингловчи ва томошабинни бефарқ қолдирмайдиган эшиттириш ва кўрсатувларни кўпайтиришлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий, бадиий савиясини оширишлари зарур. Ўзбекистон ўз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаётган айни замонда газеталар сўзининг салмоғи ҳар қачонгидан залворли ва даъваткор, телекўрсатувлар эса ғоятда жозибали, сермазмун, ҳаётимизнинг ҳамма қирраларини акс эттира оладиган бўлиши лозим.

Ҳаётдаги улкан ўзгаришлар оммавий ахборот воситалари ходимларидан ишга янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Газета матнларини замонавий компьютерлар ёрдамида териш ҳамда саҳифалаш жараёнига ўтиши ходимларни қайта тайёрлаш, хорижий тилларга ўргатиш, таҳририятларга кўпроқ ғайратли ва истеъдодли ёшларни жалб этишни тақозо қилади. Муассис билан пухта ҳамкорлик қилиб, яхши ҳомийлар ёрдамига таянган, ўзини ўзи маблағ билан таъминлай олган жамоаларгина ҳозирги шароитда муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкин. Газета таҳририятлари фаол жамоатчиларга, ишчи-деҳқон мухбирларига таянсагина нашрнинг ўқимишлилиги, ҳозиржавоблиги ва қизиқарлилигини таъминлай олади.

Биз бугун матбуот байрами арафасида бутун билими, куч-ғайрати, қалб кўри ва кўз нурини ўз касбига бахшида этаётган таҳририятлар ходимлари билан бирга кўп сонли матбуотимиз таянчларини ҳам табриклаймиз. Ана шу қутлуғ кунда «Тошкент ҳақиқати» ўз ҳамкорлари: алоқачи-муҳандис Тўлқин Лутфуллаев, кимёгар олим Қудрат Ахмеров, кекса мухбирлар Теша Шералиев, Олег Левак, маданият ходими Салоҳиддин Сирожиддинов, табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитаси ходими Чара Перепелицина, доимий муаллифларимиз Анора Худойқулова, Усмонали Ҳамидов, Мамажон Муҳиддинов, Фозилжон Орипов ва бошқаларга хизматлари учун миннатдорчилик билдирган ҳолда уларга янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, ҲАМКАСБЛАР!

ТАБРИКЛАЙМИЗ, ҒОЛИБЛАР!

Ўзбекистон журналистлар уюшмасида 1995-96 йилларда газета-журналларда эълон қилинган ва радио-телевидениеда эшиттирилган «Йилнинг энг яхши журналистик иши учун» танловига келган ишлар малакали жюри аъзолари иштирокида кўриб чиқилди. Ғолиб деб топилган қуйидаги ижодкорларга Ўзбекистон журналистлар уюшмаси мукофоти лауреати унвонини беришга қарор қилинди:

1. НОСИР Ҳайдар ўғли — «Ўзбекистон овози» газетасининг ахборот ва спорт бўлими мудири.
2. ҚОСИМОВ Анвар — «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталарининг халқаро шарҳловчиси.
3. ИКРОМОВ Тожибой — «Овози тожик» газетасининг бўлим мудири.
4. ШУЛЕПИНА Наталья Владимировна — «Правда Востока» газетасининг шарҳловчиси.
5. ЖАМИЛОВА Гулчеҳра — «Саодат» журналининг бўлим муҳаррири.
6. ХУДОЙБЕРГАНОВ Тангриберди — «Еркен Қарақалпақстан» газетасининг махсус мухбири.
7. ТЕМУР Убайдулло — «Тошкент оқшоми» газетасининг бўлим мудири.
8. НИЁЗОВ Муқимжон — «Андижоннома» газетасининг бош муҳаррири.
9. ИБРОҲИМОВ Истам — «Бухоро ҳақиқати» газетасининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт бўлими мудири.
10. БОЛТАЕВА Бахшанда — «Дардкаш» (Бухоро вилояти) газетасининг муҳаррири.
11. АБДУВАЛИЕВ Анвар — Ўзбекистон радиоси ахборот бош муҳарририяти бош муҳаррирининг ўринбосари.
12. МАРДИЕВ САИДАЗИМ — Ўзбекистон радиоси иқтисодиёт ва қишлоқ ҳаёти бош муҳарририятининг бош муҳаррири.
13. ҲАМИДОВ Шавкат — Ўзбекистон радиоси «Машъал» бош муҳарририятининг шарҳловчиси.
14. КАРИМБЕКОВ Қобилбек — Ўзбекистон телевидениесининг шарҳловчиси.
15. НОМОЗОВ Ортиқали — «Поп тонги» (Наманган вилояти) газетаси муҳаррирининг ўринбосари.

Жамоатчи мухбирлар—газетамизнинг «кўз-қулоғи», мустаҳкам таянчларидир

ТЎЛҚИН ЛУТФУЛЛАЕВ —

Тошкент алоқа электротехника институтини тугаллагандан сўнг ўн йилга яқин Тошкент шаҳар телефон тармоғида турли лавозимларда ишлади. Бир неча йилдан буён «Главташкентстрой» алоқа бошқармасида хизмат қилиб келмоқда. Алоқачи-муҳандислик асосий касби бўлса ҳам ҳеч бир кун матбуотсиз яшай олмайди. Газета таҳририятлари билан мунтазам ҳамкорлик қилиб туради. У 1983 йил «Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳузуридаги ишчи мухбирлар дорилфунунини битирган. Суратга олишни мустақил ўрганган, шеърлар ҳам машқ қилади. Ўзбекистон алоқачиларининг газетаси — «Хабар»нинг жамоатчилик кенгаши аъзоси.

Тўлқин Лутфуллаевнинг «Тошкент ҳақиқати»да чоп этилган «Ҳимоя», «Қайтиш» сарлавҳали ҳикоялари, ахлоқ-одоб, ватанпарварлик мавзуларидаги «Уйламай босманг тиканни», «Кўчада ўпишиш одобданми?», «Ватан маҳалладан бошланади», «Яна лоқайдлик ҳақида» каби бир қатор мақолалари кўпчиликка манзур бўлган. Матбуотда фаол иштирок этаётганлиги учун Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фахрий ёрлиқлари, дипломлари билан мукофотланган.



Ушбу саҳифада унинг кейинги пайтда тасвирга туширган иккита сурати эълон қилинмоқда.



Муҳаббат Мирзакулова Қибрай тумани электр алоқаси тизимида сал кам 20 йилдан бери ишлаб келмоқда. Ўз касбини пухта эгаллан бу алоқачи хизматидан мижозлари хурсанд. Муҳаббат опа мураббий сифатида ҳунарини кўпчилик ёшларга кунт билан ўргатмоқда.

* * *

Ушбу суратда Туркистондаги Аҳмад Яссавий музейига қўйилган дошқозонни кўриб турибсиз.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ олган суратлар.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРЯПТИ...



Муҳаррирлар Абдуҳаким Сайдалиев (чапда) ва Баҳодир Аҳмедовлар навбатдаги эшиттиришни тайёрлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ҲАР КУНИ республика радиоси орқали 396,8 метр ўрта, 4,52 метр ультра қисқа тўлқинда бир неча бор тараладиган бу сўзлар радио тингловчиларига ёд бўлиб кетган. Тингловчиларимиз миллионлаб кишиларни ташкил этади. Шунинг учун ҳам уларни қандай мавзулар қизиқтиришини мунтасил ўрганиб борамиз.


Студиямизга хат-хабарлар тобора кўпроқ келмоқда. Демак, одамлар бизнинг эшиттиришларимизни тез-тез тинглашяпти. Шу боис улар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашмоқдалар. Бунинг оқибатида қатор янги рукндаги эшиттиришлар юзага келди. Катта муҳаррир А. Фозилов тайёрлаётган «Қадр-қиммат», М. Отахоновнинг Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманлари ҳусусидаги йўқлама эшиттиришлари, М. Каримованинг «Сиз кутган учрашувлар» туркумидаги мақолалари тингловчиларимизга манзур бўлмоқда.

Эртага республикамиз оммавий ахборот воситалари ходимлари, шу жумладан, биз радио ижодкорларининг ҳам касб байрамимиз нишонланади. Шу кун арафасида ўз қалами, ўз овозига эга бўлган Х. Сайдалиев, Ш. Сиддиққўжаев, Х. Абдувалиев каби мухбирларимизнинг фаолиятларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдик.

Шу кунларда барча ижодкорлар қаторида студиямиз қаламкашлари ҳам республикамиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган туркум эшиттиришлар тайёрлаб, уларни пойтахтимиз ва Тошкент вилояти меҳнаткашлари эътиборига ҳавола қилмоқда. «Давр», «Ҳурлик йўлим — нурли йўлим» эшиттиришлари шулар жумласидандир.

Абдуҳаким ДАМИНОВ, «Тошкент» радиостудияси муҳарририятининг бош муҳаррири.





Тошкент студияси муҳарририятининг бош муҳаррири Абдуҳаким Даминов.

Бош муҳаррир ўринбосари Исмоғил Фаттохов (ўнгда) ва муҳаррир Алишер Исомиддиновлар иш устида.

ЯРИМ АСРГА ЯҚИНЛАШИБ ҚОЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН кимё машинасозлиги заводи менинг қадрдон корхонам бўлса, «Тошкент ҳақиқати» жонажон газетамдир. Унинг ҳар бир сонини доим сабрсизлик билан кутаман. Унинг қаламкашлари жамоасини бугунги касб байрамлари билан чин қалбдан табриклайман.

Ўзимни жамоамизни шу газета билан боғлаб турган ришталарнинг бири, деб ҳисоблайман. Чунки, корхонамизда юз берган ҳар бир янгилик, машинасозларимиз меҳнатда эришган ютуқлар ҳақида газетага мунтазам хабар бериб тураман. Бу ҳамкорлигимиз деярли «Тошкент ҳақиқати» нашр этила бошлаган дастлабки йиллардан бери давом этмоқда. Шунга ҳам ярим аср бўлиб қолди. Ўзим пенсияда бўлсам ҳам таҳририятга хабарлар юборишни тўхтатганим йўқ. Қуйида берилаётган хабар ҳам бунинг амалий далили бўлади.

Маълумки, республикамиз ҳақиқий мустақилликка эришгач, иқтисодиётнинг нефть-кимё тармоғини ривожлантиришга эътибор ниҳоятда ортди. Мамлакатимизнинг нефть маҳсулотларини хориждан импорт қилишни камайтириш, бу соҳада четга қарамликни умуман бартараф этиш мақсади шуни тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида корхонамиз жамоасидан ҳам зўр бериб ишлашни, қувватлардан самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Тармоқ корхоналари буюртмаларини вақтида ва сифатли бажаришни муқаддас бурчимиз деб биламиз.

Куни кеча Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига қатор асбоб-ускуналарни жўнатдик. Улар орасида катта ҳажмдаги тўртта резервуар ҳам бор. Ҳозирги вақтда Янгийўл биокимё заводи буюртмаси бўйича янги озиқ-овқат спирти ишлаб чиқарилиши учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш ниҳоясига етмоқда.

Муборак, Шўртон газчиларига асбоб-ускуналар етказиб бериш давом этмоқда. Яқиндан бошлаб Қувасойдаги янги «Кварц» заводига ҳам ўз маҳсулотларимизни юборишни йўлга қўйдик. Навоий конметаллургия комбинати ҳам яқин мижозларимиздан ҳисобланади. Бундай корхоналар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Жамоамиз барча буюртмаларни беками-кўст уддалаш учун ҳамма имкониятларни ишга солади.

Олег ЛЕВАК, «Ўзбеккимёмаш» ҳиссадорлик жамияти меҳнат фахрийси, «Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

Туман таҳририятлари ҳаётидан

«ОКНО»ДАН УЗАТГАНМАН

ЖУРНАЛИСТИКА соҳасида эндигина иш бошлаган кезларим рўй берган қизиқ воқеа хотирамда бир умрга муҳрланиб қолган. «Оҳангарон» газетасининг ўша даврдаги муҳаррири Акром Аъзамов иккита иҳчам аҳборотни менга узатар экан:



— Корректорнинг тоби қочиб қолибди, масъул котибга қарашиб турасан, мана бу икки хабарни «окно»дан беринглар, дедилар.

Олмалиқ шаҳрининг эски босмахонасида газетамиз саҳифаланарди. Масъул котибни кутиб ўтираманми, дедимда «окно» — дарчани излай бошладим. Анча вақтдан бери фойдаланилмай ётган дарчани аранг очдим. Ичкарида тўс тўполон бўлиб кетти. Дераза рахига қўйилган ҳарфлар тўкилиб кетган экан. Ҳанг-манг бўлиб турганимда ичкаридан ҳарф терувчилардан бири чиқиб мени қойиди. Алиева деган кекса матбаачи эса менга далда бериб хижолат чекмаслигимни, «окно» дегани газета саҳифасидаги жой эканлигини тушунтирди. Шу-шу бўлдию «окно» дейилганда Олмалиқ шаҳри босмахонасидаги ўша воқеа ёдимга тушадиган бўлиб қолди. Шунга ҳам йигирма йил бўлибди.

Тошкент Давлат дорилфунунини, Киевдаги сиёсатшунослик ва ижтимоий бошқарув илмгоҳидаги журналистика бўлимларида бу соҳанинг сир-асрорларини мукаммал ўрганиб олдим.

Мустақил мамлакатимиз тараққиёт йўлининг ойдинлиги бугунги кунда яққол намоён бўлмоқда. Ислоҳотлар жараёни ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларидан мустаҳкам ўрин олмоқда. Таҳририятимиз ижодкорлари юртимизда рўй бераётган ана шу янгиликларни, туб ўзгаришларни ўқувчиларга етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Жамоамиз турли миллат вакилларидан иборат. Рўзномамизда қирғиз, татар миллати вакиллари ҳам меҳнат қилишади. Ходимларимиздан Маъмур Бозоралиев қишлоқ хўжалигидаги муаммолар ҳақида ёзса, Анора Каримова оила, аҳлоқ-одоб, қадрият мавзуида қалам тебратади. Толиб Ҳакимов билан Муҳаммаджон Ҳайдаровларнинг қалами фермерлик хўжаликлари, ҳусусийлаштиришни жадаллаштиришга боғлиқ мақолаларга мослашган.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида газета чиқариш, уни ўз вақтида ўқувчиларга етказишда ҳам маълум қийинчиликлар туғилмоқда. Газета ўзини-ўзи моддий жиҳатдан таъминлаш йўлларини ахтармоқда. Таҳририятимиз қошида автомобилларга хизмат кўрсатувчи кичик корхона ишлаб турибди. Бухгалтерия, тикувчилик ва машинкада ёзиш курсларини ташкил қилганмиз. Яқинда эса вилоят агробизнес коллежининг ўқув марказини очдик. Яқин келажакда компьютерлашган кичик босмахонани ишга туширишни режалаштирганмиз.

Фурсатдан фойдаланиб вилоятдаги барча ҳамкасб қаламкашларни матбуот куни билан қутлайман, уларнинг оғир ва машаққатли ишларида куч, ғайрат ва баракали ижод тилайман.

Усмонали ҲАМИДОВ, Ўртачирчиқ туманидаги «Машъал» газетасининг муҳаррири.

Касбдошлар ҳақида

МЕҲР

Яқинда ҳакасбимиз Яҳё Тўхтаев билан учрашиб қолдик. Мириқиб суҳбатлашдик. Сўз ижод сўқмоқлари, ажойиб қаламкашлар, уларнинг ҳаёт йўллари ҳақида борди. Дўстимиз «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси таҳририятида масъул котиб ўринбосари бўлиб ишлаган кезларини ҳикоя қилиб, котибиятнинг фидойилари қаторида Ҳамид Султоновнинг исми-шарифини ҳам эслади.

Шу аснода дўстимиз Ҳамиднинг журналист сифатида шаклланиш йиллари кўз ўнгимда намоён бўлди. У «Тошкент бинокори» газетаси бағрида иш бошлаб, қаламкашлик касбининг сир-асрорларини қунт билан ўрганди. Ҳамид Султонов «Тошкент бинокори» таҳририятида мусаҳҳиҳ, сўнгра адабий ходим бўлиб ишлади. Изланувчан журналист Тошкент бунёдкорлари фаолиятига оид хат-ҳабарлар, мақолалар, лавҳалар ёзиб, ҳамкасбларининг эътиборини қозонди. У кейинчалик газетанинг масъул котиби бўлди.

Ҳамид Султонов «Тошкент бинокори»даги тажрибасини «Совет Ўзбекистони»да бойитди. Устозлари анъанасини давом эттирди. Газетани саҳифалаш маданияти бўйича ўзига ҳос услуб яратишга интилди.

Мамлакатимизнинг отахон газетасида қарийб йигирма йил ишлаган Ҳамид Султонов ўзи севган мавзулар бўйича қалам тебратишдан тўхтамади. Унинг маданият ва спорт мавзуларига оид мақола ва лавҳалари газета саҳифаларида тез-тез чоп этиб борилди.

Ҳамкасб дўстимиз бугун диёримиз қаламкашларининг минбари «Ўзбекистон матбуоти» журналида бўлим мудири. Ўзбекистонимизнинг йирик нашриётлари ва газета таҳририятлари, илм-фан масканлари ва матбаа корхоналари ҳаётига оид туркум мақола, лавҳалари журналхонларнинг юксак баҳосига сазовор бўлмоқда.

Абдуғани АБДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири ўринбосари.

Искандар Раҳмон:

«ОҲАНГАРОН ФАРЗАНДИМАН»

Қуролли Кучлар фахрийси, истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Искандар Раҳмон ўзининг навбатдаги шеърлар туркумини ана шундай номлабди.

Искандар Раҳмон «Меҳрибонлар», «Дарднинг билан яшайман, дунё» қиссалари, ҳикоялар ва очерклар муаллифидир. Унинг бир қанча шеърлари қўшиқ қилинган. Қуйида шоирнинг янги шеърларидан намуналар ўқийсиз.

ҚИШЛОҒИМ

Оҳангароннинг оҳанглари бор,
Ёқимли, майин жаранглари бор,
Мармардай тиниқ оқ тонглари бор,
Камалак мисол зар ранглари бор.
Энг дилрабо жой Облиғим менинг,
Оҳангрбо жой Облиғим менинг!

Атрофи битмас маъданга кондир,
Одамлари шўх, ширин забондир,
Олижаноб дўст, сухбати жондир,
Она меҳридай бағри уммондир,
Энг дилрабо жой Облиғим менинг,
Оҳангрбо жой Облиғим менинг!

Тупроғи олтин, тоши гавҳар, дур,
Бағрида минг-минг булоқ мавжланур,
Сувлари шаффоф, эилола, биллур,
Ҳаволари соф, танга жон, ҳузур.
Энг дилрабо жой Облиғим менинг,
Оҳангрбо жой Облиғим менинг!

Она қишлоғим, ёшлик маконим,
Гуллаган боғим, нурли бўстоним,
Сунган тоғим, эзгу достоним,
Эртаси порлоқ чароғистоним.
Энг дилрабо жой Облиғим менинг,
Сенга фидо жон, барлиғим менинг!

ЮРТИМ ҚИЗИ

Кўзларимга қиё боқиб
Қоши қалам қочди, кетди.
Қуёшсифат юзларидан
Шуъла, карам сочди, кетди.

Отиб мужгон ўқларини
Бу нотавон кўнглимга ул,
Раҳмсизлик шевасини
Қилиб аён шошди, кетди.

Чилвир сочи ярашибдир
Қадди расо бўйларига,
Ўтармй деб интизорман
Сарви равон йўлларига.

Кошки эди хино бўлсам
Унинг нозик кўлларига,
Васлин истаб ҳабл қурғур
Қайларгадир учди, кетди.

Юртим қизи асир этдинг,
Бир кўриб лол бўлиб қолдим.
Лайлимидинг офатижон,
Мажнун мисол бўлиб қолдим.

Зарра куч йўк кўл-оёкда,
Ажиб бир ҳол бўлиб қолдим.
Билсам сехринг қирғоғидан
Искандаринг тошди, кетди.

АЧАМАЙЛИДА ТЕГИРМОН

ОҲАНГАРОН туманидаги Ачамайли қишлоғида ишбилармон саъи ҳаракати билан ишга туширилган тегирмон ҳам қишлоқлар мушкулини осон эта бошлади. «Илғор» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Ёркин Абдуллаев озиқ-овқат магазинини сотиб олиб, унинг бир хонасини тегирмон учун таъмирлади. Жанубий Қуриядан электр қуввати билан ишлайдиган тегирмонни сотиб олиб ўрнатди. Бир кеча кундузда бир ярим тоннага яқин донни ун қилиб бераётган тегирмон Ачамайли қишлоқ аҳли эҳтиёжини қондирмоқда.

Теша ШЕРАЛИЕВ.

110 МАМЛАКАТ БИЛАН АЛОҚА ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда Франциянинг жаҳонга машҳур Рон Пуленк Агрошими корпорацияси ваколатхонаси уч йилдан бери ишлаб турипти.

Жаҳоннинг қарийб 110 мамлакатида ваколатхонаси бўлган бу корпорация қатор чет элларда ҳам заводларига, илмий-ишлаб чиқариш корхоналарига эга. Ҳар йили 2 миллиард 100 миллион доллардан зиёд миқдорда ўз маҳсулотларини сотади.

Корпорациянинг Ўзбекистондаги минтақавий ваколатхонаси директори Сердар ТОРАМАН билан мухбиримиз мулоқотда бўлди.

— Сердар, ваколатхона фаолияти ҳақида тушунча берсангиз.

—Бажонудил. Бизнинг ваколатхонамиз нафақат сизнинг мамлакатингизга, балки Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбойжонга ҳам агрохимия маҳсулотлари етказиб беради. Биз бевосита Ўзагрохимсервис учун қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши ишлатиладиган турли-туман воситалар етказиб берамиз. Фаннинг сўнгги янгиликлари асосида корпорациямиз ўз фаолиятини такомиллаштириб бориши туфайли маҳсулотларимизга жаҳонда талаб ҳамиша катта бўлади. Америка, Олмония, Бразилия, Англия, Хитой сингари йирик мамлакатларда қатор заводларимиз, илмий-ишлаб чиқариш лабораторияларимиз мавжуд. Корпорациямизда меҳнат қиладиган 6600 дан зиёд кишининг мингдан ортиғи бевосита янги кашфиётлар ва ихтиролар устида изланиш олиб борадилар.

— Айни дамларда Ўзбекистонга қандай маҳсулотлар етказиб беряпсизлар?

— «Преп» деб номланган препарат. У пахта очилиш жараёнини 14-20 кунга тезлаштириши билан бирга ҳосилдорлигини оширишга, сифатини яхшилашга ёрдам беради. «Финиш» дефолианти эса ғўза баргини тўктиришда қўлланилади. Уни қўллаганда ғўза барглари бамисоли кузда дарахт барглари «чирт-чирт» узилиб остига тушгандек тўкилади. Натижада тупда фақат кўсак ва чаноқлар қолади. Бу дори пахта очилиши жараёнини тезлаштиради. Энг муҳими машина теримига қулай шароит яратади. Терилган пахтани ифлосланишдан сақлайди.

Нафақат пахтакорлар, балки, сабзавоткорлар, боғбонларга ҳам кўмакдош бўляпмиз. Шоличилик, ғаллачилик, боғдорчиликда ишлатиладиган қатор воситаларимиз мавжудки, уларни қўллаётганлар нафидан хурсанд бўлишмоқда. Коларадо қўнғизи, оқ пашша ва бошқа зараркунандаларга қарши курашда дориларимизга талаб катта. Фақат агрохимия маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 17 та йирик заводимиз бор.

— Сердар, корпорациянгиз хусусан, ваколатхонангиз саҳоватпешалик ҳам қилиб турар экан. Эшитишимча, Тошкент вилоятининг «Дўстлик» футбол жамоасига спорт анжомлари ҳадя қилибсизлар...

— Ҳайрия қилиш корпорациямиз учун одатий бир ҳол. Турли байрам тадбирларини ўтказишда кўмаклашиш, болалар уйлари, мактабларга, ногиронларга, кексаларга, шунингдек сиз таъкидлагандек, спортчиларга баҳоли қудрат ёрдам бериб турамиз. Ваколатхонамиз яқинда вилоятингиздаги «Дўстлик» футбол жамоасига спорт кийимлари мажмуасини (ёзлик, қишлик спорт жомалари) ҳадя этдик. Бу ишимиздан хурсандмиз. Зеро, бу дунёда ҳаммамиздан яхшилик, саховат, ҳиммат қолади.

— Яхши истакларингиз учун сизга, шунингдек сиз бошқараётган ваколатхонангиз ходимларига омад тилаймиз.

— Ташаккур!

Шарофиддин УМИРОВ.

Мазкур РОН-ПУЛЕНК корпорациясининг Тошкентдаги ваколатхонаси билан мулоқотда бўлишни истовчи мижозлар эътиборига унинг манзилгоҳини эслатиб ўтамиз: 700015. Тошкент. Лохутий кўчаси, 22-уй.

Телефон: 56-68-98, факс (3712) 56-65-98.

Ўзбекистон — Покистон:

ҲАМКОРЛИК ЎЗАРО МАНФААТДАН ТУҒИЛАДИ

Покистоннинг Лоҳур шаҳридан республикамизга ташриф буюрган бизнесменлар гуруҳининг мақсади Ўзбекистон ва покистонлик ишбилармонлар ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик йўналишларини кенгайтиришдан иборат эди.

Бу сафар дастури доирасида Республика халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида учрашув ўтказилди. Чунки лоҳурлик ишбилармонлар иккала давлат жамоат ташкилотлари ўртасида ўрнатилган мустаҳкам алоқалар туфайлигина мамлакатимиз иқтисодиёти, Ўзбекистонлик ҳамкасбларининг фаолияти билан чуқур танишиш имконига эга бўлган эди.

Учрашувда республикамиз саноат сектори мутахассислари, ҳукумат тасарруфида бўлмаган бир қанча ташкилот ҳамда «Ўзбекистон-Покистон» дўстлик жамияти фаоллари, Тошкентда ишлаётган покистонлик дипломатлар иштирок этди.

Уюшма раиси Мираҳмад Миркосимов учрашувни очиш чоғида таъкидлаганидек, Лоҳурда ташкил этилган Покистон-Ўзбекистон маданият ва иқтисодиёт маркази билан мунтазам дўстона алоқалар турли-туман соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Иккала мамлакат олимлари, маданият арбоблари ўртасида фаол алоқа ўрнатилган. Иккала халқда ҳам санъатнинг миллий турларига, бир-бирининг тарихига қизиқиш катта.

Ўзбекистонда йирик Покистон компанияларининг ўнлаб ваколатхонаси очилган, кўплаб қўшма корхоналар ишлаб турибди.

— Биз иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга бўлган ўзаро манфаатдорлик яқин орада янада салмоқли натижалар беришидан умидвормиз, —деди покистонлик ишбилармонлар гуруҳи раҳбари Муҳаммад Асиф. — Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш соҳасидаги алоқаларимиз айниқса истиқболлидир. Сафаримиз давомида Биз Тошкент вилоятининг бир қанча саноат корхоналарини бориб кўрдик, республикангиз ишбилармонлар доиралари вакиллари билан учрашдик. Бу учрашувлар натижасига кўра, яна бир қанча соҳа бўйича ҳамкорлик қилиш белгилаб олинди. Натижада ўзаро фойдали асосда, хусусан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида яхши ҳамкорликни йўлга қўйишимиз мумкин бўлади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.



Тошкент чархпалаги.

УЧ ТЎПГА БИР ТЎП ЖАВОБ ҚАЙТАРИБ, ҒАЛАБА ҚОЗОНИШ МУМКИНМИ?

Йўқ, деб жавоб беришга шошилманг! Ҳа, шунақаси ҳам бўлар экан. Узоқ йилларги кузатувим, неча юз-юзлаб кескин ва шиддатли учрашувларда кутилмаган воқеалар гувоҳи бўлган бўлсамда, бунақасига биринчи бор дуч келишим. МҲСК футболчилари сафарда «Янгиер» меҳмони бўлиб, дарвозага учта тўп киритишди. Майдон эгалари эса фақат битта тўп киритишди холос. Ўйин эса мезбонларнинг ғалабаси (3:1) билан тугади. Тўртинчи минутдаёқ ҳимоячи Д. Файзиев ўз дарвозасини «нишон»га олди. 21-дақиқада Н. Асланов майдон эгаларига «кўмаклашиб» юборди. «Янгиер»нинг навбатдаги ҳужумларидан бирида тўп Н. Асланов ҳаракатидан кейин дарвозага кирди. Шундай қилиб, армиячилар ўз дарвозаларига биринчи бўлимдаёқ иккита тўп киритишга сабабчи бўлдилар. 82-дақиқада П. Харин муваффақиятидан сўнг ҳисоб 3:0 га етди. Учрашув тугашига икки дақиқа қолганда Ойбек Усмонхўжаев «Янгиер» дарвозасини аниқ нишонга ололди холос. Шундай қилиб бу кўнгилсизликларга тўла ўйин мамлакат биринчилиги пешқадамларидан бири ҳисобланган армиячилар учун нохуш тугади. МҲСК пешқадам «Навбаҳор»дан бир очко ортда қолаётган бўлса, энди улар оралиғидаги фарқ тўрт очкони ташкил этди. Наманганликлар сафарда «Косонсой» билан учрашиб, 2:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Медалларга даъвогарлик қилаётган «Нефтчи», «Нурафшон» жамоалари ҳам бу турда қимматли иккитадан очкодан маҳрум бўлишди. «Нефтчи» Тошкентда «Пахтакор» меҳмони бўлди. 38-дақиқада Рустам Дўрмонов «Нефтчи»ни олдинга олиб чиқди. 82-минутда пахтакорчи Ёркин Назаров ҳисобни тенглаштирди. «Наврўз» «Нурафшон» учрашуви ҳам 1:1 ҳисобида тугади.

Ўзбекистон футбол федерациясида навбатдаги XI тур учрашувлари натижалари билан танишар эканман, хонага «Дўстлик» жамоаси бош мураббийси Рустам Мирсодиқов кириб келди. Салом-аликдан сўнг Термиздаги АСК-»Дўстлик» учрашувини шарҳлаб беришни илтимос қилдим.

—Сояда турибману, бутун вужудимдан тер оқиб кетяпти. Биз 0:1 ҳисобида ютқазадик. Лекин йигитларга ҳеч қандай эътирозим йўқ. Омад биздан юз ўгирди. Жаъфарнинг ўзи камида беш-олти марта юз фоизли имкониятдан фойдалана олмади. Фарид Хабибуллиннинг зарбасидан кейин тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Тўра Шоймардонов беш-олти марта жамоадошларига жуда қулай имкониятлар яратиб берди. Аммо... АСК-»Дўстлик» ўйинига назоратчи ҳакамлик қилган Эдуард Бакунович ҳам учрашув «Дўстлик» жамоасининг тўла устунлигида ўтганлигини таъкидлади.

Ўн бир турдан сўнг «Навбаҳор» 29 очко билан якка пешқадам бўлиб олди. МҲСК иккинчи, «Нурафшон» ва «Нефтчи» жамоалари учинчи-тўртинчи ўринларни эгаллаб туришибди. Шу турда «Машъал» устидан 4:1 ҳисобида ғолиб келган «Трактор» турнир жадвалидаги аҳволини анча ўнглаб олди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна»-»Динамо» (Ургенч)-3:1, «Динамо» (Самарқанд)-»Атласчи»-1:2.

Бугун навбатдаги 12-тур ўйинлари бўлади. «Дўстлик» «Сўғдиёна» футболчиларини қабул қилади. Шу турнинг энг муҳим ўйинларидан бири Фарғонада бўлади. «Нефтчи» МҲСК жамоаси билан учрашади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

ДЎСТЛИК ВА ЁЗ БАЙРАМИ

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида анъанага мувофиқ корейсларнинг миллий байрами — «Овол тано» («Ёз байрами») нишонланди. Байрамни ташкил қилган Тошкент шаҳар «Тикланиш» корейс жамияти катталарни ҳам, ёшларни ҳам қутилмаган тадбирлар билан хурсанд қилди. Бу ерда болалар аттракционлари текинга ишлади. Улар хилма-хил ширинликларни татиб кўришлари учун имконият яратилди. Боғнинг чиройли хиёбонларидан бирида асфальтга чизилган суратлар танлови бўлди.

Боғнинг марказий эстрадасида катта байрам концерти бўлди.

— Мен Тошкентда хурсандчилик билан нишонланадиган миллий байрамимизда ҳар йили мамнуният билан иштирок этаман, — деди Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Со Кон И. — ҳар гал бу байрамни корейслар билан бирга Ўзбекистонда яшайдиган барча миллатларнинг вакиллари нишонлаётганини кўриб кувонаман. Бу ҳол Ўзбекистонда ҳамма одамлар ягона ва дўстона оилада яшаётганининг яна бир далилидир.

Светлана ТЕН,
ЎзА мухбири.

30 ЙИЛДАН СЎНГ

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги 67-ўрта мактабни 1966 йилда битирган ўқувчилар ўттиз йилдан сўнг яна учрашдилар. Бундай дамларда албатта ўтмиш хотиралари ёдга олинади. Устоз ва шогирдлар ўша йилларни ёдга олиб, бир бирларини ҳаёти, оиласи, ишлари ҳақида мириқиб суҳбатлашдилар.

Ўқувчиларнинг севимли мураббийси бўлган, ҳозирда Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаётган Фофур Аҳмедов, ўқитувчилардан Орзиқул Ҳожиқулов, Зулфия Пўлатова, Дилбар Аҳмедова, Хатира Бегматова ва бошқа устозлар эъзозландилар. Устозлар эса ўз навбатида бугунги кунда ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан эл-юрт орасида обрў топаётган собиқ талабалари Ҳасан Ташемов, Мурод Қулбеков, Бахтиёр Эрматов, Тошпўлат Машарипов, Равшана Мансурова ва бошқаларга омад ва бахт тиладилар.

Ҳосил КАРИМОВ.

Бекобод шаҳридаги Тошкент вилояти давлат мусиқа билим юрти 1996-1997 ўқув йилига талабаларни

ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мусиқа билим юрти қуйидаги мутаҳассисларни тайёрлайди:

Фортепиано, торли, нафасли ва урма асбоблар, халқ чолғу асбоблари, ашула, хор дирижёрлиги ва мусиқа назарияси.

Мусиқа билим юртига ўрта ёки тўлиқсиз ўрта, ҳамда бошланғич мусиқа билимига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари тегишли давлатлараро шартнома ва битимларда белгиланган шартлар ва тартибга кўра ҳамда индивидуал контрактлар асосида қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги хужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза.
2. Ўрта ёки тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақида ва бошланғич мусиқа саводи ҳақида ҳужжатларнинг асл нусҳаси.
3. 086-У формадаги соғлиқ ҳақидаги тиббий маълумотнома.
4. 3х4 ҳажмдаги фотосурат (4 дона)
5. Паспорт ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Вилоят ва Республика кўрикларининг совриндорлари имтиёзлардан фойдаланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ҳужжатларни қабул қилиш 1996 йил 1 августгача.

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент вилояти Бекобод шаҳар Школьная кўчаси 14 уй.
тел: 2-46-04, 2-46-03.

Таҳририятга хат

МУРУВВАТ ДОИМ ҚАДРЛАНГАН!

ЎРТАЧИРЧИҚ туманининг Туябўғиз қўрғонида жойлашган вилоят юрак хасталиклари диспансерида юзлаб беморлар даволанмоқдалар.

Кишиларнинг бир-бирига ўзаро ёрдами, меҳр-мурувватн ҳар доим қадрланган. Иқтисодий жиҳатдан ўзини ўнглаб олган хусусий корхоналар, тадбиркорлар шифохонамизда даволанаётганларга баҳоли қудрат кўмак беришяпти. Жумладан, «Бирдамлик» фермер жамоаси шифохонамизга кунига 40-45 литрдан сутни ярим нархда етказиб беряпти.

«Нур» кичик корхонаси эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламоқда.

Газетангиз орқали ушбу жамоаларга шифохонамиз ходимларининг миннатдорчилигини етказишингизни сўраймиз.

Дилдора ЖЎЛДАБОЕВА,
вилоят юрак хасталиклари диспансери бош табиби.

ОТГА ОРТИЛГАН МУРДА

Ўтган йилнинг октябрь ойи охирлари эди. Қуйичирчиқ туманидаги «Ўжакент» жамоа хўжалигида нохуш хабар тарқалди. Жўра Курбонқуловни биров ўлдириб, мурдасини отга ортиб, далага хайдаб юборганмиш...

Хабар рост бўлиб чиқди. Туман ички ишлар бўлими, прокуратуранинг тезкор гуруҳи ходимлари воқеа тафсилотига аниқлик киритдилар.

«Балиқчи» тажриба — намуна ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Жўра Курбонқулов ҳамкасблари билан пахта теримига борди. Ишдан қайтаётиб танишлари билан «қиттак-қиттак» қилди. Улфатлар сафи кенгайгач, ичкилик меъёридан ошди. Ширакайф Жўра Курбонқулов йўлга чиққанида опаси А. Азизовани кўриб қолди ва уникига меҳмонга борди. Уйда А. Азизова укаси Жўрага дардини достон қилди:

— Жўражон ука, жиянинг Эркинга қўшилиб ёмон йўлга кириб кетяпти. Эркинни бир тартибга чақириб қўймасанг...

— Эй, нималар деяпсиз опа, мен ўша Эркинни... — муштини тугиб ўшқирди Жўра. Сўнг от аравада йўлга тушди. Тасодифни қарангки қаршисидан Эркин Холматовнинг ўзи чиқиб қолди.

Оқ ароқ ўзининг қора қилмишини қилди. Кўп юрмасданоқ ширакайф Жўра Эркинни сўка бошлади. Бунга ҳам қаноат қилмай, қўлидаги қамчи билан савалай кетди. Шу пайт улар ёнига КамАЗ машинаси келиб тўхтади. Кулай фурсатдан фойдаланган Эркин дала оралаб, уйга қочди. Жўра эса отни аравадан чиқариб минди-ю, Эркиннинг ортидан қувди. Сўкиш ва калтакдан асаридан бошлаган Эркин уйига келгач, қатъий қарорга келди: «У келса ўлдираман». Ов милтиғини ўқлади-да тол ортида яшириниб турди.

Орадан кўп ўтмай қувувчи келди. Воқеалар бир зумда, кўз очиб юмгунча рўй берди. Жўра қаршисидан чиқиб қолган Эркиннинг хотини Махфиратни итариб юборди. Шунга қарамай аёл илтижо қилди:

— Тўхтанг, Жўра ака, бу ердан кетинг, оқибати ёмон бўлади... Жўра эса сўкиниб, қўлидаги қамчини ўқталган кўйи Эркин томон бораверди. Сўнгги лаҳзада Эркин титроқ қўллари билан милтиқ тепкисини босди....

Саросимада қолган Эркин Жўранинг мурдасини отга ортиб, далага ҳайдаб юборди. Милтиқни эса халтага ўради-ю, мўрига ташлади.

Суд узоқ давом этди. Қотил Эркин Холматов ўн йилу олти ойга озодликдан маҳрум қилинди.

Бу мудҳиш воқеа кўпларни изтиробга солди. Ичкилик туфайли афғон тупроғидаги қирғинбарот жанглардан омон-эсон қайтган ўттиз ёшли инсон ҳаётдан кўз юмди, икки оила фарзандлари қариндош-уруғлари қалбига бир умрлик қайғу, мунг тушди. Ўйлаймизки, ўзларининг ҳатти-ҳаракатларини тўла идрок этолмайдиган, ичкилик ортидан тўс-тўполон кўтарадиган кимсалар бу воқеадан ўзларига тегишли хулоса чиқарадилар.

Суд залидан

Э. АҲМЕДОВ,
Қуйичирчиқ тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси.
С. МУСТАФОЕВ,
туман «Эркин сўз» газетасининг муҳаррири.


ҚОҒОЗ, ТАХТА КЕРАКМИ?

МАРҲАМАТ!
ТАШКИЛОТ
Тошкентдаги омборидан
ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЁКИ ВЕКСЕЛЛАРГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ
СОТАДИ:

эни 84 см.ли газета қоғози;
эни 84 см.ли А—4 русумдаги ёзув қоғози;
115 г/ м русумдаги ялтироқ қоғоз;
калька-андоза олиш қоғози;
миллиметрларга ажратилган махсус қоғоз;
қоғоз қутилар учун мўлжалланган картон;
крафт қоғози;
ўров қоғози;
чети кесилиб ишлатишга тайёрланган қалинлиги 4 ва 5 см. ли сифатли тахталар;
220 В, 2кВт кучланишли, оғирлиги 60 кг. ли мўъжаз электростанциялари.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 78-24-18, 74-24-85.

«Сув — ҳаёт манбаи» корпорацияси
Тошкентдаги омборидан қишлоқ хўжалиги тракторлари учун Д-144 маркали двигателларни сотади.



Тўловлар сўмларда ҳисобга ўтказиш ҳамда вексел орқали амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўрозбоев кўчаси, 1-уй.
Телефон: 29-13-85, 29-60-92.

1986 йил 24 июнда Янгиобод шаҳар Красногорский қўрғонидаги Ҳамза номли 4-ўрта мактаб томонидан Қурбонова Муҳаббат Оққуловнага берилган Г 971148 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сирғали туманидаги 305-мактаб-лицейи томонидан Ольга Ивановна Шипилова номига берилган АО 008492 рақамли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Республика хўжалик ҳисобидаги аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази жамоаси марказ бош раҳбари

Ғайрат Шомаҳмудович ШОТУРСУНОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0305. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 10040 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6